



МАМЛАКТДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ТАҲЛИЛИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мақолада йирик солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмуриятчилигини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчилар тоифасини белгилаш, уларни ҳисобга олиш, солиқ объектларини рўйхатга олиш ва солиқ назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилган. Шунингдек, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида амалдаги мезонларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Мақолада йирик солиқ тўловчилар билан ишлашда сервис ёндашувини кучайтириш солиқ йиғимларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил эканлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: йирик солиқ тўловчилар, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ сиёсати, солиқ назорати, солиқ имтиёзлари, солиқ қонунчилиги, солиқ ислохотлари.

Солиқ сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг самарадорлиги солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш даражасига бевосита боғлиқ. Айниқса, йирик солиқ тўловчилар билан ишлашда алоҳида ёндашувларни қўллаш солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган субъектлар иқтисодиётда катта улушга эга бўлиб, уларнинг солиқ интизоми ва солиқ мажбуриятларини бажариши давлат бюджети даромадлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.



Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмуриятчилигини шакллантириш эволюцион тарзда амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу тоифа солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилаётган ёндашувларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантикий умумлаштириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш усулларидан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Давлат солиқ хизмати органларининг меъёрий ҳужжатлари таҳлил қилинди.

Шунингдек, йирик солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш амалиёти, унинг институционал асослари ва амалий механизмлари илмий манбалар асосида баҳоланди.

Йирик солиқ тўловчи тоифасига киритишдан бошланадиган, уларни ҳисобга олиш, улар доирасида солиқ объектларини рўйхатга олиш, уларга нисбатан солиқ имтиёзларини бериш ҳамда солиқ қарзларини ундириш борасидаги солиқ хизмати органларининг ёндашувини ўз ичига оладиган солиқ сиёсати маълум бир шаклланиш жараёнига эга. Дарҳақиқат, йирик солиқ тўловчилар тоифасига солиқ тўловчиларни киритиш асосида уларни солиққа тортишнинг ўзига хос ёндашувлар асосидаги солиқ маъмурчилигини қўллаш кўп бўлмаган бўлсада, аммо бу борада ўзига хос тажрибаларни шакллантириш эволюцион жараён давом этмоқда. Бу ҳолатни илмий-услубий жиҳатдан назарий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ҳолда унинг шаклланиш ҳолатини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари



тўғрисида"ги ПФ-5116- сонли Фармонида алоҳида белгилаб берилди. Ушбу фармонда Янги Ўзбекистон солиқ тизимининг муҳим муаммолари билан биргаликда миллий солиқ тизимида солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари кўрсатиб ўтилди. Унга кўра, “солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ҳамда методологиясини тубдан такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг солиқ юкини янада камайитириш, бир хил солиқ солиш объектларига эга бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирлаштириш, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун қўшимча мезон (оборотнинг чегаравий миқдори) жорий этишни ва ушбу миқдор ошган корхонага, кичик тадбиркорлик субъекти мақомини сақлаб қолган ҳолда, қўшимча солиқ мажбуриятларини белгилаш, хўжалик юритувчи субъектларни "йирик солиқ тўловчилар" тоифасига киритиш мезонларини белгилаш” каби устувор вазифалар белгилаб берилди ҳамда йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи солиқ тўловчиларга нисбатан алоҳида солиқ маъмурчилиги ва унинг ҳуқуқий асослари шакллантирила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 июндаги ПҚ—3802-сон қарорида ҳам мамлакатимиз солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ устувор вазифалар ҳам белгилаб берилган. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини ташкил қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисида Низом” алоҳида аҳамият касб этади.



Унда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг йирик солиқ тўловчилар фаолиятини тартибга солиш масалалари кўрсатилган ва “жойлашган жойи ва амалга ошираётган фаолиятидан қатъий назар, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш вазифаси юкланган”. Мазкур инспекциянинг асосий вазифалар сифатида: “йирик солиқ тўловчилар ҳисобини ташкил этиш ва улардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш, йирик солиқ тўловчилар фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича солиқ назоратини ташкил этиш, йирик солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш, йирик солиқ тўловчилар маъмуриятчилиги доирасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш” кабилар белгиланган.

Шунингдек, мазкур Низомда солиқ тўловчиларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини белгилаш Давлат солиқ қўмитаси ваколатига киритилган. Шу мақсадда, Давлат солиқ қўмитаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда 3172-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низом” тасдиқланди. Унда эса, юридик шахс мақомига эга бўлган йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонлари белгилаб берилди.

Йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги таклифларни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ:



1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2019 йил 12 июлда 3172-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарор билан билан тасдиқланган Низомнинг:

- д) бандини “маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми рақам календарь йил якуни бўйича 200 миллиард сўмдан юқори бўлган ёки кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр якуни бўйича ушбу миқдордан ошган юридик шахслар, чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари, бундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахслар мустасно” деб ўзгартириш;

- б) бандини “тижорат банклари, товар-хом ашё, фонд ва валюта биржалари ҳамда суғурта фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар” деб ўзгартириш.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш алоҳида институционал механизмлар орқали амалга оширилади. 2017 йилдан бошлаб солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар доирасида йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонлари белгилаб берилди ҳамда уларга нисбатан махсус солиқ маъмуриятчилиги жорий этилди.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг ташкил этилиши ушбу тоифа солиқ тўловчиларни марказлашган ҳолда ҳисобга олиш, солиқ назоратини кучайтириш ва сервис-техник хизматлар кўрсатиш имконини яратди. Бу эса солиқ қонунчилигига риоя этиш даражасини ошириш ва солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ амалдаги мезонлар иқтисодиётдаги инфляцион жараёнлар ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши шароитида мунтазам қайта кўриб



чиқилишини талаб этади. Шу боис, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини такомиллаштириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш солиқ сиёсати самарадорлигини ошириш, солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлаш ва солиқ назоратини оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Алоҳида маъмуриятчилик механизмларининг жорий этилиши йирик солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ: йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини инфляция ва иқтисодий ўсиш суръатларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш; маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум бўйича чегаравий миқдорни ошириш орқали амалдаги мезонларни такомиллаштириш; тижорат банклари, биржалар ва суғурта ташкилотларини йирик солиқ тўловчилар тоифасига аниқ киритиш орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш; йирик солиқ тўловчилар билан ишлашда сервис ёндашувини кучайтириш ва солиқ маъмуриятчилигининг рақамли механизмларини кенгайтириш.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Жумаев Ш. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари: и.ф.ф.д (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2023

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Фафур Фулом нашриёт уйи 2020. - 640 б.

3. Нормурзаев Умид Ҳолмурзаевич Солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни қўллаб-қувватлаш сиёсати // Экономика и финансы (Ўзбекистон). 2020. №4 (136). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soli-imtiyozlari-or-ali-i-tisodiyot-tarmo->



lari-amda-so-alarida-tizimli-tarkibiy-islo-otlarni-lab-uvvatlash-siyosati (дата обращения: 17.01.2023).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги №ПФ-60 сонли Фармони // <https://lex.uz/>.

5. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.

6. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Isaev Fakhridin Ikromovich. (2023). Organization of turkic states: interoperation and accounting system. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 13, 116-129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>

7. Нормирзаев У. Х. Иқтисодийни тартибга солишда солиқ имтиёзларининг аҳамияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли // Экономика и финансы (Ўзбекистон). 2014. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/i-tisodiyotni-tartibga-solishda-soli-imtiyozlarininig-a-amiyati-va-byudzheth-daromadlarini-shakllantirishdagi-rol> (дата обращения: 17.01.2023).

8. O'zbekiston respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston milliy universiteti iqtisodiyot fakulteti. "Moliya va soliqlar" ma' ruzalar kursi. Toshkent - 2012 yil.